

6-СИНФ УЧУН ФАНЛАРАРО ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ МАЗМУНИДА ДАРС ИШЛАНМА

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
“Педагогика ва психология” кафедраси в.в.б.
доценти Н.Ж.Исакулова

Мавзу: Умумлаштирувчи дарс.

Мақсад:

- а) Таълимий мақсад: фанлараро экологик таълимни шакллантириш.
- б) Тарбиявий мақсад: фанлараро экологик тарбия бериш
- в) Ривожлантирувчи мақсад: табиатда ўзини тутиш муносабатини ўстириш
- г) Мотивацион мақсад: экологик мазмун касб этган мустақил хулоса чиқаришни ўргатиш

Жиҳоз: дарсликлар, қоғоз, фламастер.

Услуб: «Муаммоли вазифалар усули»

Дарснинг бориши:

I. Ташкилий қисм: Саломлашиш, навбатчи ахбороти, ўқувчиларни дарсга тайёрлаш.

II. Уй вазифасини сўраш ва баҳолаш: такрорлаш

III. Янги мавзу: Умумлаштирувчи дарс.

Азиз ўқувчилар бугун дарсимизни муаммоли вазифалар услубидан фойдаланган ҳолда фанлараро мавзуларни экологик жиҳатдан таҳлил қиламиз. Мазкур муаммоли вазифани мустақил равишда ўзларининг ечасизлар ҳамда турли вазият орқали, яъни географик, тарихий, физик, ботаник, адабий жиҳатдан назарий кўриб чиқасиз. Муаммонинг назарий хулосаларини амалий жиҳатдан, яъни экологик мазмунда машқ, масалалар ечиб, фактларни солиштирасиз. Демак, муаммоли вазиятни бошлаймиз.

Ўқувчилар гуруҳларга бўлинадилар, муаммоли вазият баён этилган дарсликдаги материаллар билан танишадилар. Ушбу муаммонинг турли имкониятларини қуйидагича олиб борадилар:

Ботаниклар гуруҳи 13§ Географлар гуруҳи 4 §

Тарихчилар гуруҳи 1§ Физиклар гуруҳи 3 мавзу

Адабиётчилар гуруҳи

Ботаниклар гуруҳи 13§ «Ўсимлик органларининг ўзаро ва атроф-муҳит билан боғлиқлиги» мавзусини муҳокама қиладилар. Мавзунини қуйидагича таҳлил қиладилар: Ўсимликлар дунёсини ташқи муҳит, айниқса у ўсиб турган жойсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши учун тупроқ, сув, ёруғлик, ҳарорат, О2 ниҳоятда зарур.

Географлар гуруҳи 4 § «Географик қобиқнинг ривожланиш қонуниятлари» мавзусини муҳокама қиладилар. Олимлар географик қобиқнинг ривожланишини 3 босқичда ажратишади: нобиоген, биоген ва антропоген. Нобиоген босқичда литосфера, атмосфера ва гидросфера шаклланади. Биоген босқичда биосфера шаклланган. Антропоген босқичда одам пайдо бўлган. Бир бутунлик, модда ва энергиянинг табиатда айланиб

юриши, даврий ёки ритмик ҳодисалар, географик зоналик ва ҳудудийлик географик қобиқнинг умумий қонуниятлари.

Тарихчилар гуруҳи 1 § «Қадимги тарих – цивилизациянинг бошланиши» мавзусини муҳокама қиладилар. Ўзбекистон Амударё ва Сирдарё оралиғи, Фарғона, Зарафшон водийлари ва Сурхондарё воҳаси, баланд тоғ этакларигача бўлган катта ҳудудни эгаллайди. Бу ерлар ўзининг серҳосиллиги ва иссиқ иқлими туфайли инсониятнинг энг қадимги маконига айланган. Қулай географик мантақада жойлашганлигидан Шарқ ва Ғарб мамлакатларини боғлаб турган.

Физиклар гуруҳи 3 мавзу «Жамият ривожланишида физиканинг аҳамияти»ни муҳокама қилдилар. Қадимда яшаган одамлар тўла-тўқис табиатга боғлиқ бўлганлар. Чунки ҳеч нарсани ўз қўллари билан яратмасдан, атрофда борини истеъмол қилганлар. Ёғин-сочин, совуқ ва ёввойи ҳайвонлардан ғорларда бекиниб жон сақлаганлар. Аста-секин ов қуролларини ўйлаб топганлар ва оловдан фойдаланишни ўрганган. Турмуши енгилаша борган сари табиат ҳақидаги билимларни ўрганиш, ундан фойдаланиш ва унга таъсир кўрсатила бошлаган. Натижада инсоният совуқ қотиш, қорунғуликда қолиш, оч қолиш ҳолатлардан ва кўпчилик касалликлардан қутула олди. Инсон ер юзи бўйлаб, ҳавода ва сувда бемалол ҳаракат қилмоқда. Табiiй фанлар ичида физика етакчи бўлиб, жамият ривожланишига кучли таъсир кўрсатади.

Адабиётчилар гуруҳи Носируддин Бурҳониддин Рабғузийнинг «Одамнинг яратилиши» ҳикоятини муҳокама қилдилар.

Одамнинг яратилиши

Қудратли ва улуғ Оллоҳ Одамни яратишга қарор қилганида Жаброилга хитоб қилди:

- Боргил, ер юзидан бир ҳовуч келтиргил!

Жаброил келиб, бир ҳовуч тупроқ олмоқчи бўлганида ер мендан тупроқ олмагин деб Жаброилдан ўтинди. Жаброил (унинг) ҳурматини қилиб, тупроқ олмади.

Исрофилни жўнатди. (Ер) ундан ҳам тупроқ олмаслигини ўтинди. У ҳам тупроқ олмади.

Кейин Микоилни жўнатди. (Ер) ундан ҳам тупроқ олма деб ўтинди. У ҳам тупроқ олмади.

Кейин Азроилни жўнатди. (Ер) ундан ҳам ўтинди. Азроил деди:

- Менга сенинг илтимосингдан Тангри таоло амри азизроқ!

Шундай деб, ер юзидан бир ҳовуч тупроқ олди...

Парвардигори оламдан хитоб келди:

-Эй Азроил, жуда қаттиқ кўнгиллик экансан. Барча мавжудотларнинг жонини олишни сенга тақдир қилдим!

Савол: Одамни тупроқдан яратишдан ҳикмат нима эди?

Жавоб: Қудратли ва улуғ Оллоҳ Одамни яратаман деб хитоб қилганида

барча нарсалар бош кўтариб : «Одамни биздан яратгил!» - деб тамаъ қилдилар. Тоғ айтди:

- Мен – қутлуғман!

Денгиз айтди:

- Мен – улуғман!

Осмон айтди:

- Мен – юксакман!

Шу тариқа барча нарсалар ўзларини улуғладилар. Ер эса тавозе билан:

- Мен ҳаммадан заифман, оёқ остидаман, менда мақтангулик нарса йўқ, - деб камтарлик қилганида хитоб келдики:

- Мен Одамни тупроқдан яратурман ! - деб.

Одамни тупроқдан яратди.

Таҳлил қилиш жараёнида энг қулай ҳамда фанлараро боғланган фикрни топадилар.Ҳар бир гурҳ натижаларидан қуйидаги вариантлар аниқланди:

* Географик қобикнинг ривожланиши қадимги тарих цивилизациясининг бошланиши билан боғлиқлиги.

* Географик қобикнинг умумийлик қонуниятлари, физик қонуниятлар ҳамда инсон, ўсимлик ва табиабга таъсир қилувчи омилларда бир хиллик мавжуд ва бир-бирига боғлиқ.

* «Одамнинг яратилиши» ҳикояти бунга мисол тариқасида келтирилган.

IV. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш: Экологик мазмунда машқ ва масалалар ечилди.

Машқ. «Одамнинг яратилиши» ҳикоятидаги ўтимли ва ўтимсиз феълларни икки устунга ўзи боғланган сўз билан кўчиринг.

Ўтимли феъл Ўтимсиз феъл

Одамнинг яратишга Жаброилга хитоб қилди

Исрофилни жўнатди Жаброилдан ўтинди

Микоилни жўнатди тупроқ олмади

Азроилни жўнатди тупроқ олмаслигини ўтинди

тупроқ олди

Парвардигори оламдан хитоб келди

сенга тақдир қилдим

тупроқдан яратиш

деб тамаъ қилдилар

тоғ айтди

денгиз айтди

осмон айтди

ўзларини улуғладилар

тупроқдан яратди

Масала. Полиз тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, унинг бўйи 360 м, эни эса 240 м га тенг. 1:1200 масштаби чизмада полизнинг ўлчами қандай бўлади?

Ечиш: Полизнинг ҳақиқий ўлчамлари чизмада 1200 марта кичик кўрсатилади.

Бўйи

Эни:

Жавоб: Чизмада полизнинг бўйи 30 см, эни 20 см бўлади.

V. Уйга вазифа: такрорлаш.

Изоҳ: Мазкур дарс ишланмалари предметлардаги боғланиши мавжуд бўлган мавзулар асосида ишлаб чиқилади.